

МАННАПОВА Азиза Фатхуллаевна,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Манбалар хазинаси бўлими кичик илмий ходими
email: osiyo_09@mail.ru

ИМОМ АБУ ЮСУФ ВА УНИНГ ҲАНАФИЙ МАЗҲАБИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ

ИМАМ АБУ ЮСУФ И ЕГО РОЛЬ В РАЗВИТИИ ХАНАФИТСКОГО МАЗҲАБА

IMAM ABU YUSUF AND HIS ROLE IN THE DEVELOPMENT OF THE HANAFI DOCTRINE

Аннотация: Мақолада ҳанафий мазҳабининг буюк имоми, фақиҳ ва мужтаҳид олим Имом Абу Юсуфнинг ҳаёти, илмий ва амалий фаолияти, унинг мазҳаб ривожигаги ўрни ҳақида сўз юритилган. Олимнинг устоз ва шогирдлари зикр қилиниб, манбаларда унга берилган таърифлар келтирилган. Шунингдек, олим қаламига мансуб асарлар тўғрисида умумий маълумот берилган.

Калит сўзлар: Абу Юсуф, ҳанафий мазҳаби, фикҳ, ҳадис, раъй, фақиҳ, қози, Ҳорун ар-Рашид, қози-л-қузот.

Аннотация. Статья посвящена комплексному изучению жизни и научного наследия имама Абу Юсуфа. На основе анализа его трудов и исторических источников, автор исследует вклад имама в развитие ханафитского мазхаба, его методологию и влияние на формирование исламского права. Особое внимание уделяется роли имама в государственном управлении Аббасидского халифата и его взаимодействию с халифами.

Ключевые слова: Абу Юсуф, ханафитский мазхаб, фикх, хадис, раъй, правовед (факих), судья (кади) Харун ар-Рашид, судья судей (кади-л-кудат).

Annotation. This article explores the life, scholarly pursuits, and practical contributions of Imam Abu Yusuf, a renowned jurist and mujtahid within the Hanafi school of Islamic law. It examines his role in shaping and advancing the Hanafi doctrine, delves into his mentorship and student relationships, and provides an overview of his significant scholarly works.

Keywords: Abu Yusuf, Hanafi doctrine, fiqh (Islamic jurisprudence), hadith, jurist (faqih), opinion, Judge (qadi), Harun ar-Rashid, judge of judges (qadi al-qudat).

КИРИШ

Ислом динидаги мазҳаблар орасида ҳанафийлик юзага келиши жихатидан биринчиси бўлиши билан бир қаторда, дунёдаги мусулмонлар орасида эътиқод қилувчилари энг кўп бўлган мазҳаб ҳисобланади. Мазкур мазҳаб мўътадиллиги ва бирмунча юмшоқлиги ҳамда ижтимоий ҳаётдаги турли масалаларни ҳал этишда маҳаллий халқларнинг урф-одатларини эътиборга олганлиги сабабли араб бўлмаган халқлар орасида кенг тарқалган. Ҳанафийлик мазҳабига Имоми Аъзам Абу Ҳанифа (80/699-150/767) томонидан асос солинган бўлса ҳам, мазҳаб ривожланиши ва кенг ёйилишида унинг шогирдлари саъй-ҳаракатига алоҳида урғу берилади. Абу Ҳанифанинг мана шундай забардаст шогирдларидан бири фақиҳ ва мужтаҳид олим Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим ал-Ансорийдир. Абу Ҳанифа ва унинг мазҳаби айнан Абу Юсуфнинг саъйи ҳаракатлари билан кенг тарқалиб, машҳурликка эришганини ўша давр ислом олимлари алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

АСОСИЙ ҚИСМ

Имом Абу Юсуф 731 (ҳиж. 113) йилда Куфа шаҳрида дунёга келган. Ўзи асл араблардан бўлиб, тўлиқ исми Яъқуб ибн Иброҳим ибн Ҳабиб ибн Хунайс ибн Саъд ибн Ҳабта ал-Ансорий ал-Куфий [1:329]. Ибн ал-

Асирнинг ёзишича, Абу Юсуфнинг исломдаги биринчи бобоси Саъд ибн Баҳир ал-Бажалий пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобаларидан бўлган. Саъднинг исми онаси Ҳабта бинти Молик ал-Ансорийга нисбат берилгани учун у Саъд ибн Ҳабта номи билан машҳур бўлган. Ҳабта бинти Молик ўғли Саъдни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига олиб борган ва у зот Саъднинг бошини силаб унинг ҳаққига дуо қилганлар [2:421-422].

Абу Юсуф камбағал оилада вояга етган. У ўз хотираларида ёшлигида илм ўрганишга қизиқиши катта бўлгани, лекин рўзғор ташвишлари сабабли ота-онаси унинг илм олишига қаршилик кўрсатиб, рўзғор тебратишда ёрдам беришини талаб қилганлари, Абу Ҳанифага шогирд тушганида устози ундан ҳалқадаги дарсларни қолдирмаслигини сўраб, оёққа туриб олгунича моддий ёрдам бериб тургани ҳақида ёзган [3:247-248].

Абу Юсуф дастлаб ҳадис ўрганиш билан машғул бўлган. Сўнгра 13 ёшида Куфа шаҳри қозиси Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Абу Лайло (ваф. 148/765)дан фикҳ илмини ўрганишни бошлаган. Орадан тўққиз йил ўтгач 22 ёшида Абу Ҳанифага шогирд тушиб, ўн етти йил давомида ундан илм ўрганган ва буюк имомнинг энг яқин издошига айланган.

Олим бу икки устози ҳақида: “Мен учун дунёда Абу Ҳанифа ва Ибн Абу Лайлонинг илмий мажлисларидан кўра севимлироқ мажлис йўқ. Абу Ҳанифадан кучлироқ фақиҳни, Ибн Абу Лайлодан кўра яхшироқ қозини кўрмадим”, деган [4:100].

Ўз навбатида Абу Ҳанифа ҳам шогирди Абу Юсуфни жуда қадрлаган ва бошқа шогирдларидан афзал кўрган. Бу ҳақда Абу Ҳанифанинг ўғли Ҳаммод (ваф. 176/792) шундай дейди: “Бир куни Абу Ҳанифанинг ўнг тарафида Абу Юсуф, чап тарафида Зуфар ўтирган ҳолатида, бир масала ечими юзасидан

иккалови ўзаро баҳслашиб, Абу Юсуфнинг фикрини Зуфар, Зуфарнинг фикрини Абу Юсуф инкор қилаётганининг гувоҳи бўлдим. Бу ҳолат пешингача давом этди, сўнгра Абу Ҳанифа Зуфарнинг сонига шапатилаб уриб, Абу Юсуф турган шаҳарнинг раислигига даъво қилма деди ва масалани Абу Юсуф таклиф қилган ечим асосида ҳал қилди” [4:102]. Шунингдек, Наҳайй: “Абу Ҳанифанинг: “Бизнинг шогирдларимиз 36 киши бўлиб, улардан 28 таси қозиликда, 8 таси фатво беришда салоҳиятли, 2 таси эса қозилар ва муфтийларга дарс беради”, деб Абу Юсуф ва Зуфарга ишора қилганини ривоят қилган [3:250].

Абу Юсуф Ато ибн Соиб (ваф.136/753), Ҳишом ибн Урва (61/680-146/763), Аъмаш (61/680-148/765), Муҳаммад ибн Исҳоқ (80/699-151/769), Яхё ибн Саъид (69/688-143/760) каби олимлардан ҳадис, сияр ва мағозий илмларини ўрганган.

Ўз асрининг мужаддид олимларидан саналган Муҳаммад Зоҳид Кавсарий (1296/1878-1371/1952) ўзининг “Ҳусн ат-тақозий фий сийрат ал-Имам Аби Юсуф ал-қозий” асарида Абу Юсуф фикҳ илмини Ибн Абу Лайло ва Абу Ҳанифадан ўрганганини алоҳида зикр қилиб, сўнгра олимнинг 150 та устозлари ҳамда 90 дан ортиқ шогирдларини алифбо тартибида санаб ўтган [5:106].

Абу Юсуф жуда кўп шогирдлар етиштирган, улардан энг машҳурлари Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбоний (131/748-189/804), Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (164/780-241/855), Яхё ибн Муъин (158/775-233/847), Абул Валид Бишр ибн Валид ал-Киндий (150/767-238/852), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Юсуф ал-Боҳилий (ваф. тах. 239/853), Абу Усмон Амр ибн Баҳр ал-Жохиз (159/776-255/869).

Абу Юсуфнинг фикҳ илмидаги салоҳияти юқори бўлган. Талха ибн Муҳаммад ибн Жаъфар (291/904-380/990) шундай дейди:

“Абу Юсуф замондошлари орасида илмда, ҳукм чиқаришда ва бошқарувда тенги йўқ эди. У Абу Ҳанифанинг мазҳабида биринчи бўлиб усуллик фикр бўйича китоб ёзган, фикрий масалаларни ёздирган ва тарқатган, Абу Ҳанифанинг илмини кенг ёйган [3:248]. Юқорида келтирилганидек манбаларда Имом Абу Юсуфнинг усуллик фикр бўйича биринчи бўлиб китоб ёзгани ҳақидаги маълумотлар учрайди, лекин олимнинг мазкур китоби бизгача етиб келмаган. Шу сабабли усуллик фикр бўйича биринчи бўлиб китоб ёзган олим сифатида Имом Шофеий (767/1366-820/1417) эътироф этилган.

Имом Абу Юсуф ҳанафий мазҳаби соҳиблари саналадиган “Учта имом”нинг бири ҳисобланади, улар Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан. Олим устози Абу Ҳанифанинг қарашлари борасида мутаассиб бўлмаган, масалалар ечимида ўз қарашларига эга бўлиб, айрим ўринларда мазҳаб қоидаларига ҳилоф қилар эди, шунинг учун баъзилар у икки соҳибининг йўлидан бормади дейишган. Ибн Ҳиббон (270/884-354/965): “У фақат фуруъ масалаларида икки соҳибига эргашган”, деган [6:413]. Ибн Абдул Бирр (368/978-463/1071) эса: “У Абу Ҳанифанинг мазҳаби қоидаларига бўйсунган, фақат баъзи масалалардагина унга ҳилоф қилган”, деган [1:330]. Аммор ибн Абу Молик: “Абу Ҳанифанинг шогирдлари орасида Абу Юсуфга тенг келадигани йўқ эди. Агар Абу Юсуф бўлмаганида Абу Ҳанифа ва Ибн Абу Лайло бу даражада машҳур бўлмасдилар. Абу Юсуф уларнинг илмини ва сўзларини кенг тарқатди”, деган [3:248]. Ибн ал-Иъмод (1032/1623-1090/1679) нинг ёзишича: “Аъмаш Абу Юсуфдан бир масалани ечимини сўрайди, Абу Юсуф унинг ечимини айтади. Аъмашнинг: “Бу жавобни қаердан олдинг?”, деган саволига, Абу Юсуф “Сиз айтган ҳадисдан”, дейди. Шунда Аъмаш: “Мен бу ҳадисни ўрганганимда сен

ҳали дунёга келмаган эдинг, ҳозиргача унинг таъвилини билмас эканман”, дейди [7:368].

Абу Юсуф нафақат факих, балки муҳаддис сифатида ҳам эътироф этилади. Ҳадис илмидаги ўрни ҳақида олимлар унга қуйидагича таъриф берганлар: Абу Ҳотим (195/811-277/890): “Унинг ҳадиси ёзилади” деган. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал: “У ростгўй”, деган. Ибн Қутайба (213/828-276/889): “У ҳадис соҳиби эди, Абу Ҳанифага шогирд тушгач раъйда кучайди”, деган. Ибн Саъд (168/784-230/845): “Абу Юсуф Хосиф, Муғира, Мутарриф, Ҳишом ибн Урва, Аъмаш ва бошқа куфалик муҳаддислардан кўп ҳадис ёдлаган. Ҳадис ёдлашда танилган, муҳаддис ҳузурига келиб 50-60 та ҳадисни ёдлаб, уларни ёздириб кўярди”, деган [8:17]. Соймирий (351/962-436/1045)нинг зикр қилишича: “Яҳё ибн Муъин, Аҳмад ибн Ҳанбал ва Али ибн Маданийлар Абу Юсуфнинг ишончли экани борасида ихтилоф қилмаганлар” [4:97]. Хатиб Бағдодий (392/1002-463/1071)нинг ёзишича: “Умар ан-Ноқид: “Мен аҳли раъйлар орасида фақат Абу Юсуфдан ривоят қилишни яхши кўраман, чунки у суннат соҳиби эди”, деган [3:255]. Яҳё ибн Муъин Абу Юсуф ҳақида: “Ишончли ровийлардан қилган ривояти ишончлидир”, деган [3:260].

Лекин баъзи олимлар Абу Юсуфдан қилинган ҳадис ривоятини қабул қилмаганлар. Ибн Халликон (608/1211-681/1282)нинг ёзишича: “Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий раъй соҳиби бўлгани, фуруъ ва ҳукмларни ажратгани, султонларга яқинлиги ҳамда қозиликни қабул қилгани учун Абу Юсуфнинг ривоятини иллатли санаган” [3:260]. Абдуллоҳ ибн Муборак (118/736-181/797) Абу Юсуфга қатъий қарши бўлиб, унинг ривоятини инкор қилган, унинг орқасида намоз ўқишни ножоиз санаган, ҳатто иштирок этаётган мажлисларда Абу Юсуфнинг номи зикр қилинишини ёқтирмаган [3:258-]

259]. Имом Бухорий (194/810-256/870): “Абу Юсуфнинг ривояти қабул қилинмайди”, деган [3:262]. Аҳмаб ибн Ханбал Абу Юсуфнинг ростгўйлигини эътироф этган, лекин у Абу Ханифанинг шогирдларидан бўлгани учун, яъни аҳли раъй соҳибларининг ҳеч биридан ривоят қилиш мумкин эмас деган [3:261]. Мазкур маълумотлардан келиб чиқадиган бўлсак, Имом Абу Юсуф муҳаддис сифатида ишончли ва ростгўй саналган, айримлар унинг ривоятини қабул қилмагани ўша вақтдаги аҳли ҳадис ва аҳли раъй ўртасидаги келишмовчиликлар ҳамда Абу Юсуф томонидан ривоят қилинган баъзи ҳадислар санадида заиф ровий борлиги сабабли юзага келган. Шунингдек, Абу Юсуфнинг халифалар билан яқин бўлгани ва юқори лавозимларда фаолият юритгани муҳолиф кучларнинг ҳасад ва адоватига сабаб бўлиб, турли гап-сўзларни келтириб чиқарган.

Имом Абу Юсуфнинг яна бир кучли жиҳати у ислом иқтисодиётини мукаммал билган ҳамда ўз замонасининг кучли иқтисодчиларидан саналган. Бунинг ёрқин мисоли сифатида олимнинг халифа Ҳорун ар-Рашиднинг илтимосига кўра “Китобул-харож” асарини ёзганини кўрсатиш мумкин. Муаллиф унда давлат харажатларини маблағ билан таъминлашда солиқларнинг ўрни ва роли, солиқ турлари, миқдори, уларни йиғиш, тўплаш, жамият ва давлат эҳтиёжлари учун тақсимлаш тартиби, солиқ тўловчилар ва солиқ йиғувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ислом ҳуқуқий нормаларини ёритиб берган.

Абу Юсуф аббосий халифалардан Муҳаммад ал-Маҳдий даврида (775-785) Абу Бакр ибн Абу Сабра (ваф. 162/779) дан кейин Куфа шаҳри қозиси лавозимига тайинланади. Кейинги аббосий халифа Мусо ал-Ҳадий даврида (785-786) ҳам қози-

лик қилади. Ҳорун ар-Рашид даврида (786-809) у мусулмон дунёсида илк бор Қози ал-Кузот, яъни халифаликнинг бош қозиси лавозимига тайинланади. Бундан аввал қозиларни лавозимига тайинлаш, қозилик ишлари бўйича шикоятларни кўриб чиқиш халифа томонидан амалга оширилган бўлса, Қози ал-Кузот лавозими жорий қилиниши билан мазкур масалалар бош қози ваколатига ўтказилди. Бу ҳақда Ибн Абдул Бирр (368/978-463/1071): “Мен халифаликнинг мағрибу машриқидаги қозиларни бошқарган қози сифатида фақат Абу Юсуфни биламан”, деган [7:370]. Абу Юсуфнинг бундай масъулиятли ва юқори лавозимга тайинланиши, унинг ҳанафий мазҳабининг кенг тарқалиши ва мустаҳкамланишидаги хизматларига замин яратган. Ибн Халликоннинг ёзишича, Абу Юсуф биринчилардан бўлиб қозилар ва олимлар учун расмий кийим-бош кийилишини жорий қилган [9:379]. Бу кийим-бош қора салла ва узун қора устки кийимдан иборат бўлган. Доктор Аҳмад Шалабийнинг фикрича, ҳозирда кўпгина мамлакатлар, хусусан Европа давлатларида судьялар учун жорий қилинган расмий кийимлар, ҳижрий II асрда Абу Юсуф томонидан жорий қилинган қозилар расмий кийим-бошининг ўзгарган замонавий шаклидир [10:157].

Абу Юсуф аббосийлар халифалигида қозилик қилган даврда ҳанафийлик расмий мазҳаб сифатида ривожланиб, назариёт соҳасидан амалиёт соҳасига ўтиб сайқалланди. Унинг ҳар бир усул ва қоидалари ҳаёт синовидан ўтиб, амалда қўлланилди. Абу Заҳранинг эътироф этишича, қиёс ва истехсон назарий фарзиялар доирасидан чиқиб, амалий жиҳатга асослантирилди. Абу Юсуф раъй ва қиёс мактабининг кўзга кўринган вакили сифатида иккала мактаб хусусиятларини жамлади ҳамда ҳанафий мазҳабининг йирик муҳаддиси сифатида қабул қилинди [11:196].

Манбаларда Имом Абу Юсуфнинг фарзандларидан фақат Юсуф ибн Абу Юсуф (ваф. 192/808)нинг номи зикр қилинган. У ҳам фақиҳ ва муҳаддис бўлиб, отаси ҳаётлик даврида халифаликнинг жануби-ғарбий қисмида қозилик қилган. Абу Юсуф 798 (ҳиж. 182) йилда Бағдод шаҳрида вафот этган.

Манбаларда Имом Абу Юсуф қаламига мансуб кўплаб асарлар зикр қилинган. Эътиборли жиҳати олимнинг асарлари ҳанафий мазҳаби таълимоти бўйича илк ёзма манбалар сирасига киради. Абу Юсуфнинг бизгача етиб келган асарлари қуйидагилар:

1. “Китобу-л-харож”. Мазкур асар Абу Юсуфнинг энг машҳур асари бўлиб, унда ислом динидаги солиқ тизими кенг маънода ёритиб берилган, шунингдек, ердан фойдаланиш ва унга ишлов бериш, сувдан фойдаланиш, халқаро муносабатлардаги ташқи сиёсат, бошқа дин вакиллари билан муносабатдаги бағрикенглик, жамиятдаги ахлоқсизлик ва жиноятларга барҳам бериш каби муҳим масалалар таҳлил қилиниб, уларнинг ечимини баён этган. Шунингдек, асарда аббосийлар даврига оид муҳим тарихий ва географик маълумотлар берилган.

2. “Китобу-л-осор”. Кўпчилик олимлар бу китобни “Муснад Аби Ҳанифа” деб ҳам номлайдилар. Сабаби ушбу китобни Юсуф отаси Абу Юсуфдан, у эса устози Абу Ҳанифадан ривоят қилган бўлиб, унда Абу Ҳанифа баъзи ҳукмлар ва фатволарни олишда таянган ҳадислар жамланган.

3. “Китобу-р-радд ало сияри-л-Авзойй”. Китобда уруш, сулҳ омонлик бериш ва ўлжаларга тегишли масалалар бўйича Абу Ҳанифа билан Авзойй орасида юз берган ихтилофлар очиб берилган.

4. “Ихтилоф Аби Ҳанифа ва Ибн Аби Лайло”. Бу китобда Абу Юсуф раъй ва қиёс вакиллари бўлмиш икки буюк фақиҳнинг фикҳий қарашлари орасида мавжуд бўлган

ихтилофларни кўрсатиб ўтиб, уларнинг ҳар бирини таҳлил қилиб, далилларини ёритиб берган.

Шунингдек, манбаларда Абу Юсуфнинг бошқа асарлари ҳам зикр қилинади, афсуски мазкур китоблар бизгача етиб келмаган. Жумладан, Ибн Надим Абу Юсуфнинг қаламига мансуб усул ва амолӣ (олим томонидан имло қилиб ёздирилган) китоблардан қуйидагиларни санаб ўтган: “Китобу-с-салот”, “Китобу-з-закот”, “Китобу-с-сиём”, “Китобу-л-фароиз”, “Китобу-л-буйуъ”, “Китобу-л-хууд”, “Китобу-л-ваколат”, “Китобу-л-васоъ”, “Китобу-с-сайд ва-з-забоиҳ”, “Китобу-л-ғасб ва-л-истибро”, “Китоб ихтилафи-л-амсор”, “Китобу-р-радд Малик ибн Анас”, “Рисола фи-л-харож ила-р-Рашид”, “Китобу-л-жавомий” – бу китобни Яҳё ибн Холидга атаб ёзган бўлиб, олимларнинг ихтилофлари ва қабул қилинган раъйга бағишланган. Абу Юсуфнинг қози Бишр ибн Валид ривоят қилган имло китоби ҳам бор [11:196]. Бундан ташқари олимнинг Ибн Надим зикр қилмаган қуйидаги асарлари ҳам мавжуд: “Усулу-л-фикҳ ало мазҳаб Аби Ҳанифа”, “Китоб адаби-л-қозий”, “Китобу-л-мабсут”, “Китобу-л-махориж фи-л-ҳиял”, “Китобу-л-латоиф”.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Имом Абу Юсуф ҳанафийлик мазҳабида ўз қарашларига эга бўлган мутлақ мужтаҳид даражасидаги фақиҳ ҳисобланиб, мазҳабнинг асосий шахсларидан биридир;

- олим нафақат фақиҳ ва мужтаҳид, балки ўша даврда бутун бошли халифаликдаги қозиларни бошқарган салоҳиятли Бош қози, ҳадисларни мукаммал билган муҳаддис, кучли иқтисодчи сифатида эътироф этилган ҳамда аббосий халифалар томонидан кадрланган;

- у кучли илмий салоҳияти билан ҳанафийлик мазҳабининг назарий асосларини шакллантирган бўлса, амалий фаолияти сабабли мазҳаб қоидаларини амалда жорий қилиниши ва кенг тарқалишига муваффақ бўлган;

- унинг қаламига мансуб асарлар ислом таълимоти ҳанафий мазҳаби бўйича битилган илк ёзма ҳамда фундаментал манбалардан саналиб, кейинги давр олимларининг асарларига дастурул амал вазифасини ўтаган ва ҳозиргача ўз қийматини йўқотмаган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ибн Абд ал-Бирр. Ал-Интиқо фи фазоили-л-аимма ас-саласа ал-фуқоҳа Малик ибн Анас ва аш-Шафиъий ва Аби Ҳанифа. – Байрут: Дар башаир ал-исламийя, 1997. – 438 б.

2. Иззуддин ибну-л-Асир. Усдул ғоба фи маърифати-с-саҳоба. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 2008. – Ж. II. – 672 б.

3. Ал-Ҳатиб ал-Бағдодий. Тариху Бағдод. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 1996. – Ж. XIV. – 470 б.

4. Ҳусайн ибн Али ас-Саймарий. Ахбору Аби Ҳанифа ва асҳобиҳи. – Байрут: Оламу-л-кутуб, 1985. – 178 б.

5. Муҳаммад Зоҳид Кавсарий. Ҳусну-т-тақозий фи сийрати-л-Имом Аби Юсуф ал-қозий. – Қоҳира: Ал-Мактабату-л-азҳария лит-турос. – 106 б.

6. Ибн Ҳиббон. Ас-Сиқот. – Байрут: Дору-л-кутуби-л-илмия, 1998. – Ж. IV. – 431 б.

7. Ибну-л-Имод. Шазароту-з-заҳаб фи ахбор ман заҳаб. – Байрут: Дор Ибн Касир, 1988. – Ж. II. – 505 б.

8. Абу Юсуф. Китобу-л-хароҷ / Нашрга тайёрловчи: Муҳаммад Иброҳим Банно. – Қоҳира: Дору-с-салом, 2017. – 380 б.

9. Ибн Халликон. Вафаъту-л-аъён ва анбоу абнои-з-замон. – Байрут: Дору-с-садр, 1994. Ж. VI. – 432 б.

10. Жўзжоний А.Ҳ. Ислом ҳуқуқ-шунослиги, Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – 256 б.

11. Муҳаммад Абу Заҳра. Абу Ҳанифа ҳаятуху ва асруху, ороуху ва фикхуху. – Қоҳира: Дору-л-фикри-л-арабий, 1960. – 479 б.